

## ЛИ МУНЁЛНИНГ “ҚАҚНУС ҚУШИ” ҲИКОЯСИДА УСТОЗ-ШОГИРД МУНОСАБАТЛАРИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

**Каримов Нодирбек Шухрат ўғли**  
ТДШУ, Корейс филологияси кафедраси  
мустақил изланувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада адиб Ли Мунёл қаламига мансуб “Қақнус қуши” ҳикояси таҳлилга тортилган бўлиб, унда устоз-шогирд муносабатлари конфуцийчилик таълимоти билан очиб берилган. Ёзувчи қаҳрамонлар ҳолатини беришда табиат тасвиридан моҳирона фойдаланган. Хусусан, Ли Мунёл бош қаҳрамонни бамбукка ўхшатган. Ҳикоя композицияси 5 қисмга бўлиб ўрганган. Эрта етим қолган шогирдининг, ота-онаси ҳақидаги ҳақиқатдан бохабар бўлиши, устози билан муносабатларининг кескинлашуви натижасида бошидан кечирган кўплаб воқеалар силсиласида намоён бўлувчи мумтоз корейс насрида мавжуд анъаналарга қайта мурожаат қилинган.

**Калит сўзлар:** хаттот Ко Чжук, мовий денгиз, аждаҳо, устоз ва шогирд, Оде тоғи, Сок Там, сурат.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется рассказ писателя Ли Мун Ёля «Птица Гарруда», в котором раскрываются отношения между учителем и учеником конфуцианского учения. Писатель умело использовал образ и описание природы, чтобы передать эмоциональное состояние героев. В частности, Ли Мун Ёль сравнил главного героя с бамбуком. Повествовательная композиция рассказа изучается в 5 частях. В данном рассказе повествуется о жизни главного героя и о его натянутых отношениях с учителем. В ходе рассказа, осиротевший ученик узнает о своих родителях, а так же уже к существующим традициям возвращается классическая корейская проза, к которой обращается автор и которая проявляется в чередѣ событий.

**Ключевые слова:** каллиграф Ко Чук, синее море, дракон, мастер и ученик, гора Ода, Сок Там, фотография.

### ABSTRACT

This article analyses the short story "The Golden Phoenix" by writer Lee Mun-yeol, which reveals the relationship between a teacher and a student of Confucian teachings. The writer skilfully used the image and description of nature to convey the emotional state of the characters. In particular, Lee Mun-yeol compared the protagonist to a bamboo. The narrative composition of the story is studied in 5 parts.

*This story narrates the life of the protagonist and his strained relationship with his teacher. In the course of the story, the orphaned student learns about his parents, as well as the already existing traditions of classical Korean prose, to which the author refers and which is manifested in a series of events.*

**Keywords:** *calligrapher Ko Chuk, blue sea, dragon, master and disciple, Mount Ode, Sok Tam, photo.*

## КИРИШ

Ли Мунёл қаламига мансуб ҳикояларда корейс насри қиёфаси ўзгарди, унинг мазмун-моҳияти давр ижодкорлари асарларидан тубдан янги шаклга кирди. Давр ўзгариши билан боғлиқ равишда янгиланаётган бадий тафаккур муаллиф ижодида янги талқин қилинди. Маълумки, ҳар бир давр воқелиги бадий мазмунида миллат муаммоси акс эттирилади. Муаллифнинг “Қакнус куши” шундай асарлар сирасига киради.

Ҳикоянинг қисқача сюжети қуйидагича: инсоний кадрятлар фалсафаси асар бош қаҳрамони – таниқли рассом ва хаттот Ко Чжук тақдири орқали мажозий ифодасини топган. Унинг иқтидори шогирдликка тушган илк кунлардан бошлаб намоён бўлади. Устоз шогирдига ижодда юксак руҳ ҳис этилмас экан, тасвирлар шунчаки бўёқлардан иборат бўлишини уқтиради. Вақт ўтиб шогирд машҳур рассом даражасига кўтарилса ҳам, умрининг сўнгги дақиқаларида устоз айтган юксак руҳни туймаганлиги, эришган шуҳратининг ўткинчи эканлигини англаб етди. Яратган асарларининг барчасини тўплаб, унга ўт қўйганида олов учқунларида бутун ҳаёти давомида интилиб яшаган ўша буюк ҳис – қакнус куши гавдаланади.

Ҳикоя воқеалари XX асрнинг биринчи ярмининг сўнгги, иккинчи ярмининг дастлабки йилларида Жанубий Корея провинцияларининг бирида бўлиб ўтади. Адиб воқеа жойини мавҳум қолдиради. Ҳикоя давомида бош қаҳрамоннинг машҳурлик сари интилишлари тасвирланган. Ота-онасидан эрта етим қолган бош қаҳрамон амакиси томонидан замонасининг энг машҳур хаттоти, олимга шогирдликка бурилади. Аслида амакиси болани иқтидори учун эмас, балки олимнинг уй ишларида ёрдамлашиш билан бирга кунини ўтказишини мақсад қилган эди.

Устоз боладаги айрича иқтидорни тезда англаб етди, аммо, “азоб-уқубатсиз иқтидорлик бола қалбининг ҳақиқий асослар сари йўлига тўсиқ бўлади”<sup>1</sup>, деб ўйлади. Устоз шогирдига ўз ишининг устаси бўлиш учун қуйидагиларни бир умр қулоғига қуйиб олишини талаб қилди:

<sup>1</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.

“...мовий денгизга отилиб, аждоҳани юлиб оладиган ва кўкка ўқдай отиладиган қақнус қуш каби шижоатли бўл; хушбўй ҳид анқитиб, дарёдан шошилмай кечиб ўтаётган филдек қатъятли бўл”<sup>2</sup>.

Устознинг шогирдига берган сабоқларининг моҳияти қуйидаги сатрларда ўз ифодасини топди:

“...иждода юксак руҳ намоён бўлмас экан, расмдаги қора ранг шунчаки қора сиёҳ, оқи эса шунчаки қозғоз бўлади”<sup>3</sup>.

Йиллар ўтган сари шогирд иқтидори туфайли зафарлар кучди, нафақат мамлакатда, балки бошқа ўлкаларда ҳам машҳурликка эришди. Аммо устоз айтган қақнус қуши на тушига кирар, на ўнгида гавдаланар, ҳатто тасаввурига ҳам сиғмас эди. Шон-шуҳратларга кўмилган шогирд қақнус қушининг мавжудлигига шубҳаланди. Умр поёнига етди, ўлим шарпаси уни тўшакка михлади: бош қаҳрамон дунёвий лаззатларнинг бебақолигини англаб етди. Ҳикоя муқаддимасидаги қақнус қуш рамзи қаҳрамоннинг бутун ҳаётига, унинг тақдирига ишорадир:

“Ко Чжук атрофга боқар экан, бошини кўтарди: хона ҳавоси бу хиёл ҳаракатга анқиб турган қора сиёҳ исининг эпкини билан жавоб қайтарди. Эҳтимол, қадимда олхўризорлар шундай ҳид таратганмикин? Ёки тепасида аждаҳо ва қақнуслар ўйноқлаган эртакнамо майсазорлар?”<sup>4</sup>.

Ҳикоя сюжети устоз-шогирд муносабатларининг ривожига асосига қурилган. Ҳикоя учинчи шахс томонидан баён қилинади. “Учинчи шахс тилидан ҳикоя қилиши ички дунё тасвири бобида кенгроқ имкониятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Бунда муаллиф китобхонни ҳеч қандай чекловларсиз персонаж ички дунёсига олиб киради ва руҳият иқлимларини чуқурроқ, батафсилроқ кўрсатади. Қаҳрамон қалбида муаллиф билмайдиган сир йўқ – у қаҳрамон ҳақида ҳамма нарсадан воқиф, муаллиф ички жараёнларни миридан-сиригача таҳлил қилиши, туйғулар, фикрлар, кечинмалар ўртасидаги сабаб-шарт алоқаларини изоҳлаши ҳам мумкин”<sup>5</sup>.

Сюжет ривожига аҳамиятга молик бўлмаган батафсил тасвир ҳамда инсон руҳий ҳолати ўртасида контраст сезилади: муаллиф учун сюжет биринчи даражали эмас, у учун инсон ҳис-туйғулари, ташвишлари муҳимдир.

Асар сюжетида келиб чиқувчи композицион қурумдаги ҳар бир тасвир, тафсилот асосий воқеага олиб борувчи муайян босқич вазифасини бажаради. Ёзувчининг эркинлик руҳи етакчилик қилувчи бу ҳикояда инсон табиатининг

<sup>2</sup>Имён. Кимси. – Сеул: АлаичиКориА, 2021.

<sup>3</sup>Имён. Кимси. – Сеул: АлаичиКориА, 2021.

<sup>4</sup>Имён. Кимси. – Сеул: АлаичиКориА, 2021.

<sup>5</sup> Ботирова Ш.И. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм. – Қарши. 2019. – Б.88.

тилсимлари, синоатларига алоҳида урғу берилади, қаламга олинаётган воқеалар аввал қалбда акс-садо бериши, сўнг онгни жунбушга келтириши лозим. Ҳикоя композицияси қуйидагича тузилган: 1. Устоз ва шогирд учрашуви; 2. Устоз ва шогирд ўртасидаги илк зиддият; 3. Устоз ва шогирд ўртасидаги давомий зиддият; 4. Бош қаҳрамон онгидаги икки қутб: қақнус билан учрашув; 5. Ҳаёт ва ўлим концепти.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ёзувчи Ко Чжук образининг эстетик вазифасини – инсон онгининг ўсиши, ўз ўтмишига нисбатан исён қилиши, Устоз ўғитларини тан олиши учун машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтиши, ҳаёт ва ўлим моҳиятини англашида кўрсатади.

Ко Чжук қалбида устозга нисбатан ҳам муҳаббат, ҳам нафрат туйғулари курашарди. Устоз ҳаёти худди *“тоғ ёнбағирларида оҳиста сузаётган баҳорий булут соясига, ёз шамоли эсиб, супурган ҳовлига, тоғ дарасидаги овлоқ кузги ирмоқларга, қор ёғиб ўтгандан кейинги қишки осмондек тиниқ, беинтиқ сокин, маънос ва ёлғизлик”*<sup>6</sup>ка ўхшарди. Устознинг мана шундай сирли ҳаёти шогирди қалбида чексиз ҳурматни уйғотади. Устоз характерини очишда муаллиф табиат ҳодисалар, айниқса, мавсумларга хос пейзаж тасвиридан унумли фойдаланган, устозга берилган таърифлар йиғиндиси ўзида ҳаёт концепциясини жамлайди.

Даставвал устоз Ко Чжукни шогирдликка олишни расмий эълон қилмади<sup>7</sup>. Биринчи танишган кунларидан бошлаб у Ко Чжукка совуқ муносабатда бўлди, ҳатто шогирдлари билан бирга шуғулланишга изн бермади. Шогирд устозга ёрдам бериши учун хўжалик ишларини ҳам юртига бошлади. Лекин бу устоз-шогирд муносабатларини янада чигаллаштирди.

Ли Мунёл устоз образида қалбнинг буюклиги, ғурурлик ҳисси, ижодкор нафсонияти каби хислатларни очиб бериш учун психологизмнинг ичдан кўрсатиш тамойилига амал қилади. Бу устоз образининг кенг кўламда очилишига имкон беради.

Ёзувчи қаҳрамон ботинида кечаётган тўқнашувларни, хис-туйғуларни, устозига бўлган муносабатини Мэ Хян (Олхўри ҳиди) исмли кисэн билан танишувида шундай чизади:

*“Ҳар қанча хотиржам ва пинагини бузмаётгандек тутишга ҳаракат қилса-да, мўйқалам тутган қўли титрар ва у ўзини ирода қила олмасди. Сураат галати чизилди. Бунинг сабаби устозини тарк этгани учун унинг олдидаги*

<sup>6</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.

<sup>7</sup> Кореяда конфуцийчи олимлар янги шогирд олишларини расмий эълон қилишган. Ҳатто тантанали маросим ҳам ўтказилган.

айбдорлик ҳисси – билмадик; аммо мўйқаламни қизнинг ички юбкасига суркаётган Ко Чжукнинг хаёлига кисэн қиз исмининг рамзий маъноси эмас, қачонлардир Сок там томонидан солинган олхўри – қуриган қийшиқ дарахт, синган ингичка шохлардаги икки-учта аянчли гунча келди. Худди устози услубига хос тагсўз: “Олхўри бутун умри бўйи совқатса ҳам, ҳидини сотмайди”<sup>8</sup>.

Ёлғиз, аянчли ва совуқда қолган олхўри – бу айнан шу пайтдаги устознинг ҳолатига қиёсланади. Муаллиф китобхон диққатини устознинг ҳақиқий истеъдод эгаси эканлигини кўрсатишни ҳикоя аввалида, шогирднинг муҳаббатига жалб этган эди. Кисэн билан ишқий муносабатлар натижасида дунёга келган қизчасига Чху Су – Кузги сувлар исмини берганида шогирднинг хаёлидан ўзининг шаффоф ва мусаффолиги билан юракни зирқиратувчи тоғ ирмоқлари суви – устозга берилган таъриф ўтди.

Устоз ва шогирд ўртасида юзага келган илк зиддият орқали муаллиф бош қаҳрамон феълига таъсир кўрсатган улкан имконият – иқтидорининг юксалиши, аммо тезда инқирозга учраши, рассом ва хаттотликнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатишни мақсад тутди:

“Бу даврда Ко Чжукнинг рангтаъсир ва хаттотликдаги маҳорати энг олий етуклик даражасига етди, у аста-секин машҳурликка эриша бошлади. Тўғри, турли фикрлар мавжуд, аммо баъзи бировлар ҳозирга қадар Ко Чжукнинг бевосита ўша даврдаги истеъдод ва илҳом уфуриб турган ишлари унинг энг юксак ютуқларидан бири деб ҳисоблайдилар. Бироқ унинг ўзи бу ишларда қандайдир сохталикни ҳис қила бошлади – бу уйига ўт тушган одамнинг бошпанасизлиги ва тушқунлик туйғусига ўхшаб кетарди”<sup>9</sup>.

Истеъдоди барчага маълум бўлган, чизган расмлари бошқа ўлкаларда ҳам машҳур бўлган, аммо буларнинг барчаси сохта туюлган бу ҳисларнинг ортида унинг қора сиёҳ ва қоғозлар дунёси қаърига чўкиб кетган ёшлиги турарди. Ёшлик, орзу-умидлар, интилиш ва муҳаббатнинг саробга айланиши дунёнинг ўткинчилигини ёдга солди. Унинг бу ҳолатини муаллиф табиат тасвирида моҳирона чизади:

“Энди эса унинг ҳаёти кеч куз шамоли ва ёмғири остида шохда ёлғиз, аянчли титраб, қалтираб трган сарғайган япроққа ўхшарди: ўзи кўзлаган, унинг учун ҳамма нарсани қурбон қилган мақсади эса тоғ чўққилари занжири узра кўприкдек эгилган камалак сингари олисда қолган эди”<sup>10</sup>.

<sup>8</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.

<sup>9</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.

<sup>10</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.

Бу вақтда кимдир ватанини озод қилиш учун жонини қурбон қилган, кимдир тинимсиз ташвишлар билан ватандошларига илм нурини таратар, кимдир амалий билимлар эгаси сифатида ўзини жамиятга бахшида қилар, Ко Чжук эса буюк рассом ва хаттот бўлса-да, истеъдодининг маънисини англаб етмас эди.

Юқорида ҳикоя композициясини беш қисмга бўлган эдик. Биринчи қисм, яъни Ко Чжукнинг болалик хотиралари, эрта етим қолиши, амакисининг тарбиясига олиниши, амакисининг Манжурияга жўнат кетиши сабабли устози Сок Тамнинг уйига келиши ҳикоянинг экспозиция бўлса, илк инқирозга учрашида ҳикоянинг тугуни қўйилган.

Ко Чжукнинг устоз ва истеъдод ўртасида чорасиз қолиши, аранг нафас олиб ётган устозининг ўжарлиги ғашига тегиши, ҳақиқий рассом руҳи эришишни орзу қиладиган ҳикматли байтлар ғазабини кўзйтиши устоз ва шогирд ўртасидаги зиддиятнинг кучайишига сабаб бўлди. Аросатда қолган бош қаҳрамон психологик оламини очиб бериш учун муаллиф уни яна устоз олдидан катта ҳаётга кўчасига чиқаради. Бу сафар Ко Чжук устозини у амал қилган қатъий одатларда айблайди ва натижада ўзига отилган сиёҳ қопқоғидан ёрилган пешанасини силаганча устоз остонасини иккинчи маротаба тарк этади.

Аввал ўзини устози ҳайдаб солганига ишонган бош қаҳрамон пала-партиш расмлар чизди, сотилган расмлар пулига айш-ишрат қилди. Бундай турмуш тарзини ўзига хос деб билди, устозидан ўч олгандек бўлди. Орадан анча вақт ўтиб у ўз хатосини англаб етди: унга қувонч бағишлаган дунёвий ютуқлар унинг орзулари билан мос келмасди, унга йўл харажатлари ёки мўйқалами учун сарфланган пуллар худди садақага ўхшарди, унга ёғилган мақтовлар бозордаги қванделарга далда берадиган бақир-чақирлардан фарқ қилмасди. Ёзувчи таъбири билан айтганда: *“Буларнинг ҳаммаси Ко Чжукка денгиз сувидек таъсир қиларди: қанча кўп ичсанг, шунча томоғинг қурийди...”*<sup>11</sup>.

Мана шу тарзда ҳаёт кечираётган Ко Чжук аччиқ ҳақиқат билан юзма-юз келди: у отасининг ашаддий ишрастпараст бўлгани, оиланинг бутун мол-мулкни кўкка совуриб, ҳатто ўз соғлиғига зарар етказганлиги сабабли эрта ҳаётдан кўз юмгани, онаси эса эрининг таъзим маросимларини ҳам тўлиқ бажармай, кўшнисини билан қочиб кетгани ҳақида билиб қолди. Бу ҳақиқат уни янада телба қилди: авваллари устози олдидаги бурч, намунали шогирд бўлиш иштиёқи, юксак мақсадлари сари олға интилиш ҳисси уни бироз жиловлаб турган эди. Қайноқ қон ўз ишини қилди, я дайдишда, майхўрлик қилишда давом этди.

<sup>11</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.

Бу вақтда япон маъмурлари шавқатсизлиги янада кучайган бўлиб, мамлакатда солиқлар ошган, очлик ва қашшоқлик борган сари халқ аҳволини қуритарди. Аммо Ко Чжукнинг лаззатланиш ва шаҳвоний ҳирси чегара билмасди. У “қўшнисининг ёнаётган уйида ловия қовуриб оладиганлар”дан бирига айланган эди. Устози шогирдликка олмаган паллада бир неча йил давомида сабоқ олган устози Ун Гок билан учрашув ва унинг:

“ – Қойил! Ота-онасиз, устозсиз, оиласиз ёлғиз гаров<sup>12</sup> Ко Чжук ҳақир қарияни танишини лозим топди”<sup>13</sup>, деган сўзлари уни ларзага келтирди.

Муаллиф бош қаҳрамонни бамбукка ўхшатади. Бунинг сабаби устоз-шогирд ўртасидаги сўнгги тўқнашувда ойдинлашади:

“Аввал бошдан сенинг разил суяклигингни сезардим! Йўқол! Сенинг жойинг бозорда – лавҳаларни чаплаш. Сен ўзингни рассом қилиб кўрсатмоқчи бўлиб, шунча йил қўлимда ўқидинг – энди сенга ҳар қандай бўёқ суркашингга, балким, бир қопдан гуруч беришар!...”<sup>14</sup>.

Ко Чжук ўта иқтидорли инсон. Аммо у хаттотликнинг қоидаларини ўқимаган, бироқ ҳарф оралиқлари, нисбатларни, мўйқаламни айлантириш услубларини яхши билади. У туғма истеъдод соҳиби, аммо осонлик билан эришган муваффақиятлари унинг ҳақиқий рассом бўлишига тўсқинлик қилди. Муаллиф ўз фикрини далиллаш учун устоз тилидан куйидаги жумлани келтиради: “Инсон эмасга – таълим бермайман”<sup>15</sup>.

Аслида дайди ҳаёт, муттасил қийноққа олаётган саволлар, ношудлар айтган тасаннолар, нозик дидли бойваччаларнинг садақалари ҳам унинг қалбидаги бўшлиқни тўлдира олмаган эди. Бош қаҳрамон тубанлик жарлигидан ўзини қутқариш учун, ялт этган чўғдек гулхан – Одэ тоғига йўл олди. Ўзини маънан қашшоқ сезган шогирд устоз олдига бориши кераклигини тушуниб етди. Шу сабабли бош қаҳрамон муҳим қарор қабул қилиш олдида уни дарвишхонага – покланишга йўллаган муаллиф уни зухурида пайдо бўлган ўзгаришларга ишора қилади. Йиллар давомида қатланиб қолган дунёвий кир, эски дилсиёҳликларнинг кети кўринмасди. Бу ёзувчининг: “Баҳор эшик қоқди, лекин Ко Чжук ҳеч руҳий ором олмаётганди”<sup>16</sup>, деган сатрларида янада

<sup>12</sup> гаров – бамбук. Пояси қаттиқ, бўғим-бўғим, ичи ковак, қамишга ўхшаш тропик ўсимлик. Сижо шеъриятида бамбукка характери собит, бир сўзли инсонлар қиёсланган. Бу ерда муаллиф бош қаҳрамонни характери қаттиклиги, аммо ичдан бўшлигига бамбукка қиёслаган.

<sup>13</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.

<sup>14</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.

<sup>15</sup> Бу сўзлар Шарқий Цзинь даврида машҳур хаттот номига сазовор бўлган, донишманд Ван Си-чжи (321-379)га тегишлидир.

<sup>16</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.

ойдинлашади. Моддий ҳаётда маишат оламига ғарқ бўлган бош қахрамоннинг бундай психологик тасвири унинг ботинидаги исённи кўрсатади.

Ўз айбини тан олган бош қахрамон, айбини кечирishi учун устози олдига боришга журъати етмайди, илк бор унда кўрқув хисси пайдо бўлди. Муаллиф объектив ҳаёт тасвирида унинг камчиликларини ёритади, аммо ҳукм чиқаришга шошилмайди. Агар Ко Чжук устози ўғитларига амал қилганида эди, бундай изтироблар қуршовида қолмаслигини китобхоннинг ўзи тушуниб етади.

Ко Чжук ибодатхона орқасидаги девор беазагига кўзи тушганида, ўзининг нотавонлигига яна бир бор амин бўлди:

*“Олтин қанотли қуш. Унинг бошида “Истаклар ижроси дури”. У олов пуркайди ва аждаҳоаларни ейди. У ҳамма томонидан денгизлар билан қуришган Сумеру тоғида яшайди. Бу қуш – Будда қонунини қўриқлайдиган саккизта илоҳнинг бешинчисидир. Уни яна Олтин қуш ёки Ажойиб қанотли қуш деб ҳам аташади”<sup>17</sup>.*

Бош қахрамон ёдига “Олтин қуш денгизни тешиб ўтмоқда” байти тушди. Шу кунга қадар Олтин қанотли қуш фақат мажоз, устозининг қатъиятли, ораси катта-катта очиб ёзиладиган дастхати билан боғлиқ қандайдир куч рамзи эди. Ранги ўчган безакдаги боши лочинникидек, танаси одамники, қанотлари тилли тусли – Қақнус қуши қайта тирилди. Ко Чжук тафаккурида улуғвор қуш олтин қанотларини силкитиб, юксак осмонга парвоз қилди, тўсатдан пастга тошдек отилиб, денгиз тўлқинларини ёриб ўтди, типирчилаётган аждаҳони чангаллаб олди. Ва ниҳоят у устозининг *“Агар сен ҳеч бўлмаса бир мартаба мўйқаламинг чизган битикда ҳаётни кўра олсанг – мақсадингга эришган бўласан”<sup>18</sup>*, деган ўғитларининг моҳиятини англаб етди.

Қақнус қуш билан учрашув бош қахрамон онгидаги икки қутб – ички ва ташқи курашда муаллиф фалсафаси, ҳаёт ҳақидаги мушоҳадалари, эстетик тафаккури англашилади. Хатоларини тўла идрок этган қахрамон уни тузатиш учун ортга қайтди.

Аммо у кеч қолган эди. Шухратпарастлик касалидан узоқ вақт даволанган шогирд кимсасиз бўлиб қолган ҳовлида ўзидан бошқа барча шогирдлар тўпланганини кўрди. Ҳеч ким у билан гаплашмади, аммо Ун Гок устознинг сўнги васиятини етказди:

*“Мёнчжон – матом матосидаги ёзувни сен битасан. Сок Тамнинг сўнги васияти шундай. Марҳумнинг лавозими ва илмий даражасини ёзиш шарт эмас. Оддий: “Кимлар уругидан бўлган олийжаноб Сок Там, конфуцийчи жасадининг*

<sup>17</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.

<sup>18</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.



тобути”. Сен тушуняпсанми? Сок Там Мёнчжон ёзувини сен битишингни истаган экан, у сенинг қўлинг билан ёзилган иероглифларни ўзи билан олиб кетмоқчи бўлган.. У иқтидорингни шу қадар қадрлар эди! Эҳ аҳмоқ, аҳмоқ...”<sup>19</sup>.

Шогирд интилиб яшаган ҳаёт – тўкинчилик, айш-ишрат аслида аччиқ ҳақиқат – дунёвий лаззатларнинг омонатлиги ҳақида китобхонда мунозарали баҳсларнинг уйғонишига сабаб бўлади. Ко Чжук ботинидаги устозга нисбатан аламзадалик илдизлари унга бўлган совуққонлик ва лоқайдликка бориб тақалади. Моҳияти жиҳатидан уларнинг ижодга бўлган қарашлари бир-бирига зид эди. Сок Там асарда шижоатни қадрлар, асосий эътиборини буюмлар руҳи ва ички табиатига қаратар эди. Ко Чжук эса гўзалликни қадрлар, ҳиссиёт ва моҳиятни ифодалашга интиларди. Сок Там учун сурат – руҳ ифодаси, Ко Чжук учун – буюмнинг тасвири эди, холос.

Ёзувчи инсоннинг ожиз ва нотавонлиги, баъзан эса қудрати ва шижоатини устоз-шогирд муносабатларида кўрсатади. Корейс халқининг табиатига сингиб кетган конфуцийчилик таълимотига кўра шогирд устози ўғитларига амал қилиши лозим эди, аммо у кучга тўлган бир пайтда ёшлик шижоати устунлик қилиб устоз изнисиз уйни тарк этди.

“Инсоннинг табиий туғма қобилияти *табиат* деб аталади номланади. Шу табиатга мувофиқ ҳаракат қилиш *йўл* деб аталади. Мазкур йўлнинг тамойилларига асосланиб баркамолликка интилиш *таълимот* дейилади”<sup>20</sup>.

Йиллар давомида туғма қобилият – *табиатини* беҳуда ишларга сарфлаган, шахсий манфаатидан воз кеча олмай, *йўлдан* адашган Ко Чжук комилликка эриша олмади. Шу сабабли ҳам у илк бор устоз уйини тарк этганидан кейин ҳам ўз хатосини тўлиқ англамайди. Бу эса иккинчи маротаба устоз уйини тарк этишига олиб келди.

Устознинг ўлими унинг ўтмиш ва келажак ҳақида мушоҳада қилишига туртки берди. Шу сабабли у устоз уйида ўзини англаб етиши учун ўн йил давомида яшади. Шогирдлик масъулиятини ҳис қилиб хатосини тузатиш учун устознинг қари беваси, асраб олган ўғли ҳақида қайғурди. Шу ерда ёзувчи буюк иқтидор эгасини оддий инсонийлик бурчини адо қилаётган образ сифатида тасвирлайди. Қаҳрамон *табиатига* хос *йўлга* киришди: устози ўғитларига амал қилиб, ёзув услуби ва дастхатларни қайта ўрганди, буюк хаттотларнинг ишларини қайта-қайта кўриб чиқди.

Аммо ёзувчи унинг ботинида кечган ўй-хаёлларини рўйи рост тасвирлайди. Унга баъзи хотиралар азоб берди: бир вақтлар Сок Там уни шогирдликка

<sup>19</sup>이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.

<sup>20</sup> Исматуллаева Н. Конфуций асарларидаги ижтимоий-фалсафий атамалар семантикаси ва уларнинг таржимада берилиши. Монография. “Nodirabegim” нашриёти. –Тошкент. 2020. – Б. 71.

олишни истамади, бутун умр ундан эҳтиёт бўлиб юрди, унинг иродасининг букилишига сабабчи бўлди.

Рассомнинг бир умр ўзи чизган чизги ва рангтасвирларга ўт қўйиши ҳикоянинг мантикий хулосасидир. Бутун умри давомида ўзини алдаб яшаган истейдод эгаси ўзининг ҳақиқий табиатини англаши учун чиққан йўлдан адашдим, деб ҳисоблади. Сохта тасаннолар, ҳурмат ва эҳтиромлар унинг ҳақиқий санъат соҳиби бўлишига монеълик қилди.

Устози Сок Там юксак санъат моҳиятини англаган, ҳақиқий йўлга чиққан ва шогирдлар тайёрлашда ўз тамойилларига эга бўлган чинакам эътиқодларга амал қилганлардан энг охиргиси бўлиб қолди. Ко Чжук ўз даврининг андозаларига кўра ҳақиқий рассом эди, аммо устози Сок Там назарида у нўноқ бўёқчидан ортиқ кимса эмасди.

Ли Мунёл мазкур ҳикоясида мумтоз корейс насрида мавжуд анъаналарга қайта муружаат қилиш орқали миллат руҳиятида кечаётган ўзгаришларни юксак маҳорат билан бадиий ҳақиқатга айлантирди. Ҳикояда воқеалар кетма-кетлиги, ёзувчининг бадиий нияти, бош қаҳрамон борлигини тасвирлашдаги маҳорати, устоз-шогирд ботинидаги руҳий ҳолат – санъат инсоний қадриятлар ва олий мақсадларнинг элтувчиси эканлигини мантикий далиллайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)**

1. Ботирова Ш.И. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм. – Қарши. 2019. – Б.88.
2. Исматуллаева Н. Конфуций асарларидаги ижтимоий-фалсафий атамалар семантикаси ва уларнинг таржимада берилиши. Монография. “Nodirabegim” нашриёти. –Тошкент. 2020. – Б. 71.
3. 이문열. 금시조. – 서울: 알에이치코리아, 2021.